



## Ислом Нури

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Қатода раҳимаҳуллоҳ Анас розияллоҳу анҳуга:

— Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг асҳоблари ўртасида қўл бериб кўриш бормиди?, деб сўради.

— Ҳа бор эди, деб жавоб берди.

Имом Абу Довуд Баро розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Икки мусулмон учрашса ва қўл бериб кўришса ажралишларидан аввал гуноҳлари кечиради», дедилар.

Шайх Албоний бу ҳадисни «ҳасан» деганлар.

### Шарҳ

Мусулмонлар орасидаги меҳр-муҳаббатни оширадиган нарсалардан бири учрашганда қўл бериб кўришиш. Бу амал саҳобалар – Аллоҳ улардан рози бўлсин – ўртасида бор эди. Баронинг ҳадисидаги «ажралишларидан аввал гуноҳлари кечиради» жумласининг маъноси: баданлари билан ажралишларидан ёки қўлларини қўйиб юборишларидан аввал гуноҳлари кечиради, деганидир.

### Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар

1. Қўл бериб кўришиш мустаҳаб.
2. Саҳобалар — Аллоҳ улардан рози бўлсин — қўл бериб кўришар эдилар.
3. Мусулмонлар учрашганда қўл бериб кўришиш улкан ажрли амалдир.